



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2023 yil « 31 » октябрь

№ ПФ–185

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Маҳаллий заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш, уларнинг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда аффинаж корхоналари ва заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларнинг қувватларини янада кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

аффинаж корхоналари ва заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қимматбаҳо металлларни ҳамда таркибида қимматбаҳо металллар мавжуд бўлган хомашёни божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштиришда лицензия олиш мажбуриятидан озод этиш;

тайёр заргарлик буюмларини олиб чиқиш тартибини соддалаштириш.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 31 октябрдаги ПФ–185-сон Фармониغا
илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 ноябрдаги “Махсус турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш, шунингдек экспорт контрактларини рўйхатга олиш ва импорт контрактларини экспертизадан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5215-сон Фармониغا 1-иловада:

а) 4-банднинг “товар номи” устундаги “буюмлар” сўзи “буюмлар*” сўзи билан алмаштирилсин;

б) қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

“*) аффинаж корхоналари ва заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар томонидан қимматбаҳо металлларни ҳамда таркибида қимматбаҳо металллар мавжуд бўлган хомашёни божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштиришда ҳамда божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган қимматбаҳо металллар ва таркибида қимматбаҳо металллар мавжуд бўлган хомашёни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқишда лицензия талаб этилмайди”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5721-сон Фармони 1-бандининг олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“жисмоний шахсларга қиймати 100 миллион сўмгача бўлган тайёр заргарлик буюмларини йўловчи божхона декларациясини тўлдирмасдан, 100 миллион сўм ва ундан ортиқ бўлганларини йўловчи божхона декларацияси асосида Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсат берилади”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 18-банди қуйидаги мазмундан иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда, заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги тадбиркорларга заргарлик буюмларини йўловчи божхона декларациясини тўлдирган ҳолда маълумотларни ТСОЯЭАТга киритмасдан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига тижорат мақсадларида олиб чиқишга рухсат берилади”.

